

БУНКЕРЛАРДАН 136.390 ТОННА!

Областимиз машина терими планини ошириб бажарди. Пўлат от суворийларига тасанно ўрта чирчиқ, юқори чирчиқ паҳлавонларига балли!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 200. (3172). Сешанба, 12 октябрь 1965 йил. Баҳоси 2 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети Президиуми ва СССР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитети сентябрь (1965 йил) Пленумининг саноатни бошқаришни яхшилаш, планлаштиришни такомиллаштириш ва саноат ишлаб чиқаришини иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришни кучайтириш тўғрисидаги қарорини бажариш юзасидан ана шу масалалар бўйича тегишсан қарорлар қабул қилди.

«Саноатни бошқаришни яхшилаш тўғрисида» КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қабул қилган қарорда саноатни бошқарувчи органлар системасини ўзгартриш соҳасида кенг равишда маълум бўлган тадбирлар билан бир қаторда янгидан тузилган КПСС Министрлар Совети ва бошқа баъзи давлат бошқарув органлари ишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Қарорда кўрсатиб ўтилганидек, СССР иттифоқ республика ва умултифоқ министрликларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Халқ ҳўжалигининг ва аҳолининг эҳтиёжларини қондириш учун иқтисодий меҳнатни йўналиш борида жуда оз сарфлаган ҳолда юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилишини таъминлаш; давлат плани топшириқларини бажариш;

капитал маблағлардан раціонал фойдаланиш, шундан маблағларнинг самарасини ошириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ишга тушириш ва уларни қисқа муддатларда ўзлаштириб олиш;

ягона техника снэсати ўтказиш ва ишлаб чиқаришнинг техникавий-иқтисодий даражаси юксак бўлишига эришиш;

корхоналарни ва ташкилотларни малакали ходимлар билан таъминлаш ва ана шу кадрлардан тўғри фойдаланиш ҳамда меҳнатни ташкил этишни яхшилаш тадбирларини ўтказиш.

Мана шу вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун ишлаб чиқаришга, шунингдек саноатнинг тегишли тармоқларидаги илмий тадқиқот, конструкторлик ва лойиҳачилик ташкилотларининг фаолиятига раҳбарликни СССР министрликларида марказлаштириш зарур, деб топилди.

Саноатни тармоқ принципи асосида бошқаришга ўтиштирилганлиги муносабати билан белгилаб қўйилди, СССР иттифоқ-республика ва умултифоқ министрликлари саноат тармоқларини ривожлантиришга ажратилган моддий техника ресурсларини бошқарувчи бўладилар, моддий техника таъминоти планлари эса, Главноб-сбитлар ва моддий техника таъминоти территориал органлари системаси орқали амалга ошириб бориладилар.

СССР Министрлар Советининг янгилаш ташкил қилинган Моддий техника таъминоти давлат комитети зиммасига қуйидаги, вазифалар юклянади:

Моддий техника таъминоти планларини амалга ошириш ва тармоқларнинг бир-бирига кооперация усулида маҳсулотлар етказиб бериб туришини таъминлаш; СССР Госплани тақсимлаб бермайдиган маҳсулотни истеъмолчиларга тақсимлаш, шундан маҳсулотни ишлаб чиқариш плани тегишли министрликлар томонидан тасдиқланади;

маҳсулот етказиб бериш планларининг министрликлар, идора-лар ва маҳсулот етказиб бериувчи корхоналар томонидан ўз вақтида бажарилишини контрол қилиб бориш.

Моддий техника таъминоти системасини ва органларини такомиллаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

СССР Министрлар Совети Моддий техника таъминоти давлат комитетининг ўз компетенциясига кирган масалаларга тааллуқли фармойишлари министрликлар ва бошқа ташкилотларнинг ижро этишни учун мажбурийдир.

СССР Министрлар Советининг Давлат план комитети халқ ҳўжалигини ривожлантиришни КПСС Программасига ҳамда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг директива-ларга мувофиқ равишда умул-давлат шифосида - планлаштириб бориш, шунингдек халқ ҳўжали-ги планларининг бажарилишини контрол қилиб туриши керак.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети саноат-ни бошқаришни яхшилаш соҳаси-да ўтказилаётган тадбирлар мам-

лакат экономикаси янада ривожлантириш учун социалистик ҳўжалик системасининг афзалли-клари янада тўлароқ фойдала-нишга ёрдам бериши лозим, деб ҳисоблайдилар. Янги шароитда ишлаб чиқаришга конкретроқ раҳ-барлик қилишни, уни уздуксиз равишда такомиллаштириб бориш-ни, фан ва техниканинг замона-вий ютуқларини, илгор тажриба-ни жорий қилиш, меҳнатни илмий негизда ташкил этиш ва ишлаб чиқариш маданиятини ошириш асосида ишлаб чиқарилаётган маҳ-сулот сифатини оширишни ҳамда меҳнат унумдорлигини янада ўс-тиришни таъминлашга давлат э-тиб тузилган саноат министрли-клари бу ишда катта роль ўйнаш-лари керак. Кадрлар билан иш-лашни яхшилашга, ишлаб чиқа-риш ходимларининг таъбиқланиш-лиги ва иқодий активлигини бутун қоралар билан кучайтири-шга, давлат ва ишлаб чиқариш иттизоми янада мустаҳкамлаш-га, қарорларнинг ижросини таш-кил этишни ва ижроси текшириш-га, тармоқлаштиришга ҳамда ўзига топширилган иш учун ҳар бир ходимнинг масъулиятини оши-ришга алоҳида эътибор берилиши лозим.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни такомиллашти-риш ва саноат ишлаб чиқаришини иқтисодий жиҳатдан рағбатланти-ришни кучайтириш тўғрисида» ги қарорда саноатта плани раҳбар-лик қилиш методларини қуйида-ги йўналишда ўзгартриш қўзда ту-тилади:

Давлат планининг марказлаш-тирилган тартибда тузишни кор-хоналарнинг ҳўжалик соҳасидаги кенг ташаббускорлиги ва саноат ишлаб чиқаришини иқтисодий жи-ҳатдан рағбатлантиришни кучай-тириш билан тўғрроқ боғлаб олиб боришни таъминлаш;

тўла ҳўжалик ҳисоби асосида корхоналарнинг ҳўжукларини ке-нгайтириш. Ишлаб чиқаришнинг самаралари ошган ва корхона-нинг ресурслари ўсган сайин иш-лаб чиқаришни ривожлантириш ва ходимларин рағбатлантириш учун корхоналар ишхорида қолдирил-ган маблағлар миқдорини қў-пайтира бериш;

корхоналарнинг фаолиятига на-тижаларга, сотилган маҳсулотга, олинган фойдага (ишлаб чиқариш-нинг рентабеллигига) қараб ҳамда маҳсулотнинг энг муҳим турлари-ни етказиб бериш соҳасидаги топ-шириқларини бажарилишга қар-аб баҳо бериш;

саноат ходимларининг меҳнати-га ҳақ тўлашни фнқат уларнинг яқин-яқин янги меҳнати натижа-ларигагина эмас, балки корхона-лар ишнинг умуллий якунларига ҳам бевосита боғлиқ қилиб қў-йиш;

(ДАВОМИ УЧИНЧИ БЕТДА)

ХУШ КЕЛИБСИЗ ЎЗБЕК ЭЛИГА!

ДАНИЯ БОШ МИНИСТРИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Совет ҳўкуматининг тақсифига бинови, мамлакатимизга ташриф буюрган Дания Бош Министри Ене Отто Кран 11 октябрда Уралдан Ўзбекистонга келди.

Дания Бош Министри ва унинг рафиқаси Хелле Вирнер Кран би-лан бирга Даниянинг СССРдаги эл-чиси Кристин Д. Холтен-Эгерт, Бош Министр маҳкамаси департа-ментининг бошлиғи Эйгил Йорген-сен, таъин ишлар министрлиги мат. буют ва информация бўлимининг бошлиғи Най Йохансен, таъин иш-лар министрлиги иқтисодий снэсат бўлими бошлиғининг урибосари Х. Е. Трине, таъин ишлар министр-лиги снэсат-юрдик бўлими снэсат-чиёнинг бошлиғи Пер Гроот, бош-ка расмий кишилар, шунингдек Да-ния журналистларининг бир гуруп-пачи ҳам иштирок этишди.

Хўрматли меҳмоннинг мамлакат бўлиб қилиётган сафарига СССР Министри С. М. Тихомиров, Совет Иттифоқининг Даниядаги элчиси К. Д. Левчинин, СССР Ташки ишлар министрлиги Скандинавия мамлакат-лари бўлимининг мудир А. В. За-харов ҳамроҳ бўлмадилар.

(ДАВОМИ ТўРТИНЧИ БЕТДА).



ДАЛА ЛОЧИНЛАРИ ПАРВОЗИ

Областимиз колхоз ва совхозлари пахтачиликни комплекс механизациялаштириш учун курашмоқдалар. Ҳозирги пайтда дала ишларининг асосий қисми машиналар ёрдамида бажарила-моқда.

Кейинги йилларда йнгим-терим ишларини машиналаштириш учун зарур тадбирлар амалга оширилади. Ўтган йилда областимизда машина билан пахта териш муваффақиятли якунлан-ганлиги колхоз, совхоз ва районларнинг раҳбарларини, дала гардианчилари бўлган механизаторларининг машиналардан терим даврида кенг фойдаланишга илҳомлантирди.

Бу йил област ҳўжаликларида машина билан 135000 тон-на «оқ олтин» териш планлаштирилган эди. Қувонч билан шу-ни айтиш керакки, бу топшириқ мuddатидан илгари ошириб бажарилди. «Зангори кема»лар билан 136 минг 389 тонна пахта териб олинди.

Машинада пахта теришда оққўрғонликлар айниқса қувонч-ли натижаларга эришдилар. Бу район механизаторлари план-даги 33 минг тонна ўрнига 40 минг 489 тонна пахтани маши-нада териб бу соҳадаги планини 123 процент қилиб адо этди-лар. Бўна район механизаторлари эришган муваффақият ҳам қувончлидир. Бўналиклар 31976 тонна пахтани машинада те-риб планини 106 процентдан ошириб бажардилар. Юқори Чир-чиқ, Оржоникидзе районларининг меҳнат-ҳайдовчилари ҳам машина терими планини ошириб бажарганликларни тўғрисида рапорт бердилар.

Машина терими планини муваффақиятли бажаришда об-ласт совхозларининг меҳнат-ҳайдовчилари эришган натижа-ни алоҳида таъкидлаш керак. Совхозларимиз машина терими планини 102,53 процент қилиб бажарилишига эришдилар.

Суратда: Ўрта Чирчиқ районидagi Терешкова номли колхознинг меҳнат-ҳайдовчиси ўртоқ Озод Абдусаматов. У кундалик терим нормасини доимо ортиги билан бажариб келмоқда.

ЯНГИЛИК ҲОЛИБ ЧИҚДИ

Районимиз пахтакорлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси навбатдаги XXIII съезди шарафи-га меҳнат ваҳтасида туриб ишлаб, катта галабани қўлга киритдилар-да, давлатга пахта сотиш плани му-ддатидан илгари бажарилди. Мам-лакатга 50.100 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Машиналар бил-ан 25 минг тонна пахта терилди.

Бу йил йнгим-терим ишлари ҳар қачонгидан ҳам уюшқоқлик билан ўтказилди. Механизация-лашган звеноларнинг аъзолари ай-ниқса, унумли меҳнат қилдилар. Уларнинг ғайрати туфайли янши 11-12 кун илгари тўғалланган бўл-са, гўза парварини ҳам гоёт сифатли ўтказилди.

Шингт униб чиққан билан оқ-барча майдонларда парварин иш-лари қулайлашди. Агар ўтган йил-лари гўза парваринининг ҳар бир цикли 20 кундан ортиққа қў-зилган бўлса, бу йил 10-12 кун и-чيدا тугалланди. Ленин иш сиф-атли бажарилди.

Сувчиларимиз, айниқса, маҳор-ат кўрсатиб меҳнат қилдилар. Сув камчили бўлган бу йилги ша-ронда улар ҳар бир литр сув-нинг қадрига етиб, уни тежаб-тер-габ сарфладилар. Хуллас барча агротехника тадбирлари энг яхши му-ддатларда ўтказилди. Дала-ларда социалистик мажбурият-нинг бажарилишини таъминлайди-ган ҳосил етиштирилди.

Теримга тушиш олдидан барча меҳнат-ҳайдовчилар, эсаю бош-ликлар, ҳўжалик раҳбарлари, бо-сқарларнинг таъиниш қилинган сек-ретарларининг йнгилини бўлиб ў-тди. Терим ишлари планини ҳар-тарафлама муҳомама этдик ва

планини 15 октябрга бажаришга, етиштирилган ҳосилнинг янши-ни машиналар билан териб олиш-га аҳд қилдик.

Пўлат агрегатлар бўлтургидан анча илгари 3-6 сентябрда далага чиқди. Шундан 3-4 кун ўтгач, пах-тазорларимизда юзлаб машина-лар ишлаб бошлади. Сурьатта сурьат қўшили борди. Баъзи кун-лари йнлик планининг 4,8 ҳатто беш процентига етказиб пахта тайерладик. Бу илгарилари сира қўрилмаган сурьат эди! Тан олиш-керакки, биз бундай сурьатга ма-шина теримини моҳирлик билан тайерлаш эа олган механизация-лаштирилган звенолар туфайли эри-шдик.

Шундан қилиб пахта тайерлаш-плани 35 иш кунинда бажарилди. Оқунбобоев номли колхоз аъзо-лари районда биринчи бўлиб га-лаб рапорти бердилар. Бу кол-хоз далаларида аъжи терим қиз-гин кунлари 28 тагача машина иш-лади. Машиналар билан 1800 тонна пахта терилди.

Оқунбобоев номли колхоздан сўнг Терешкова номли колхоз аъ-золари маррага етидилар. Бу кол-хозга, мана инки йилларни, меҳа-низатор Уми Ҳасанова раислик қилиб келганли. Ана шу дав-рида ҳосилдорлик икки баравар қўпайди. Бунда ҳам механизация-лашган звеноларнинг хизмати кат-та бўлди, албатта.

Райондаги йирик «Полярная звезда» колхозин ҳам планини му-ваффақиятли адо этди. Бу кол-хозда етиштирилган ҳосилнинг я-ридан кўли машиналар билан те-риб олинди. Колхоз аъзолари дав-

латга пландан ташқари 1500 тон-на пахта сотиш мажбуриятини ол-дилар.


Шу йнлининг баҳоринда олий маълумотга эга бўлган беш еш мутахассисга қолақ колхозларга раҳбарлик қилишни ишониб топ-ширган эдик. Ёшлар ишончли оқ-ладилар. «Ленин Ёйли», Калинин номли колхозлар деярли бир вақт-да маррага етиб келдилар. Улар-нинг деярли аъжари қўзда терил-лар. Бугун биз Оқунбобоев номли колхоздан Т. Мирзаахмедовнинг номини алоҳида ҳурмат билан тил-га оламиз. У 7 минг тоннага яқин пахта терди. А. Бичаева, Б. Аб-дурахмонова, К. Кенжаев ўртоқ-лар ҳам мавсум нормаларини анча ошириб бажардилар. Районимиз-даги 4 мингдан ортиқ теримчи мавсум нормасини анча ошириб бажарди ва ҳозирги кунларда ҳам пахтамолини бўғратиб меҳнат қи-лашляпти. Пахта йнгим-теримда бизга Тошкент шаҳридан келган саноат корхоналарининг меҳнат-чилари, мактаб ўқувчиларининг ёрдами бебаҳо бўлди.

Биз план бажарилгандан сўнг ҳам сурьатини сира бунаштирма-ймиз. Ахир пландан ташқари 10 минг тонна «оқ олтин» сотиш, ҳо-силдорлигини 25 центнега етга-зишга сўз берганмиз. КПСС Мар-казий Комитети - март - Пленуми қарорларини амалда бажара-буриб, албатта, бу сўзизининг ур-дасидан чиқамиз.

А. МИРАХМЕДОВ, Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секре-тарин.

Т. ОРТИҚҲУЖАЕВ, Район қишлоқ ҳўжалиги иш-лаб чиқаришни бошқармаси-нинг бошлиғи.

„ЎЗБЕКИСТОН“ ШУҲРАТИ



Қўз илгасма пахтазор бўйлаб «зангори кема»лар сузиб юрибди. Азамат механизаторлар бу далалардан сўнгги тонна «оқ олтин» ҳосилнинг йнгим-териб олмақдалар. Мама, зveno бошлиғи Абдурауф Қосимов эгач бошига чиқиб келипти. Унинг машинаси ўзгача. Машина шу келишда тўрт эгачдаги дўпидек очилиб ётган «оқ олтин»ни сизириб келмоқда. 700 килограмм пахта кетадиган удан букер лиммо-лим тўлган. Механизатор ричатин босиб букер пахтасини тележка кузовига агарди.

«Ўзбекистон» деб ном берилган 14ХВ-2,4 маркали бу янги пахта терим машинаси колхоз механизаторларига ёқиб қолди. Бу агрегат олдидан «зангори кема»ларга нисбатан икки марта унумлидир. ХТ-1,2, ХВ-1,2 машиналари пахтани бироз тўқиб тереди. Бу сир эмас. Лекин «Ўзбекистон» машинаси юрган далаларни қўриб қўзларни қувлайди. Эгач бошида, ораларида тў-килган пахтани қўрмайди. Мотордан берилган кучли ҳаво босими чанокдаги ҳосилни ҳеч тўқмай букерга тортиб оляпти.

Звенонининг 45 гектар пахта майдони бор. Ҳўжаликда биринчилар қатори нарядсиз ишлаш усулига қўчганимиз. Ерга барака уруғи қаданган бошлаб мама ҳосилни йнгим-териб олишгача бўлган операцияларнинг барчаси машиналар ёр-дамида бажариламоқда, — дейди А. Қосимов. Колхозимизга «Ўз-бекистон» машинасининг келтирилганлиги нур устига нур бўлди. Бу «Зангори кема» билан ҳар кун 13 тоннагача «оқ олтин» териш мумкин экан. Бунинг биз ўз тажрибамиздан синаб билдик.

Агрегат унчалик иккич эмас. Барча қисмларини бир марта ях-шилаб мойлаб, сўнг содасиз, йнгим-терим охиригача елиб-юғуриб ишлайверади.

Звено бошлиғи бу йнги ҳосилни машиналар билан териб олишда ўзи бошқаларга намуна кўрсатди. У шу кунгача 130 тонна пахтани букерлардан тўқди. Яна 50 тонна «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини олган. Ҳозирги кунда у «Ўзбеки-стон» машинаси билан кунига 8-9 тоннадан пахта тайертир. Қ. Халилов, А. Абдуллаев, И. Бозоров каби механизаторлар ҳам ХТ-1,2 машиналар билан қўлаб пахта термоқдалар.

Янгиқўз районидagi «Интернационал» колхозинда машина-га илхос қўйган бундай звенолар оз эмас. М. Ройнбазаров, У. Бухорбоев ўртоқлар бошчилик қилаётган звенолар ҳам ма-шинадан катта наф қўрмоқда. Улар нарядсиз ишлаш систе-масига ўтиб сифатли ва арзон пахта етиштирмоқдалар. Бу йил «зангори кема»лар билан 1110 гектар ердаги ҳосил йнгим-те-риб олинди. Бу барча ҳосилнинг 70 процентидан ортиги дега-ган. 40 дан ортиқ механизатор туни-кунга улаб-ўр фидкор-лик кўрсатмоқдалар. Колхоз йнликл планини мuddатидан олдин бажарилишига бу азамат механизаторлар ҳам зўнасеб ҳисса қўшмоқдалар.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

Суратда: колхознинг пешқадм меҳнат-ҳайдовчиси Аб-дурасул Қосимов «Ўзбекистон» маркали машинада пахта термоқда.

ТЕРИМ ИЛГОРЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Мар-казий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ми-нистрлар Совети пахтани йнгим-териб олиш ва давлатга сотиш юзасидан бошқалар, районлар ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобаканинг октябрь ойи бирин-чи ўн кунлиги якунини қўриб чиқиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқини Сирдарё обла-стида беришга, Хўрғонда кўчма Қизил байроқини Сирдарё обла-стидаги Пахтаорол, Киров райо-наларига, шу областдаги «Пахта-орол» совхозига беришга қарор қилдилар. Бу областлар, районлар

ва «Пахтаорол» совхозини ўтган ўн кунлиқда пахта териш ҳамда тайерлашда энг юқори кўрсаткич-га эришган.

Пахта тайерлаш планини 95,13 процент ва машина терими плани-ни 101,03 процент бажарган Тош-кент областининг яхши ишлаган-лиги қайд қилинди.

Шунингдек Самарканд, Сур-хандарё областлари, Бойвот, Қў-рғонда, Хўжайли, Янгиарик, Ян-гийўл, Поп, Бўдунгур, Денов, Чирчиқ ва Бўхоро районлари, Андижон областидagi «Савой», Сирдарё областидagi 6-ва Қора-қалпоғистон АССРдаги Ленин номли совхозларда пахта териш ва тайерлаш яхши ташкил этил-ганлиги қайд қилинди.

САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Қуов цехининг клубида «Таш-сельмаш» заводи партия-ҳўжа-лик активининг йнгилини бўлиб ўтди. Тошкент област партия ко-митетининг биринчи секретари М. А. Абдурауфзоков КПСС Мар-казий Комитети сентябрь Плену-мининг якунлари тўғрисида док-лад қилди. У саноат ишлаб чиқа-ришини планлаштиришни яхши-лаш ва уни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришни кучайтириш масалалари устида кўчма снэсат-либ ўтди, саноат корхоналари партия ташкилотларининг тобора ўсиб бораётган вазифаларни тў-ғрисида гапирди.

Завод цехлари ва бўлимларида, барча сменаларда юздан ортиқ агитатор КПСС Марказий Комите-ти сентябрь Пленуми қарорлари тўғрисида сўхбатлар ўтказмоқда-лар. Яқин кунларда халқ уни-верситетининг янги иқтисодий фа-культетинида машғулотлар бошлана-ди. Университет ўқув програмига-сига Пленум материалларини ўр-ганлиш киритилган. Бундан ташқари, йил бошида партия ўқув си-стемасида мастерлар учун иқтисо-дий мактаб очилади.

(ЎЗАТАГ).

ИЛГОРЛАРГА ТЕНГЛАШИНГ БИЗНИНГ ҲИССАМИЗ

Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети раёндорлар, колхозлар ва совхозларда пахта терими ва давлатга топшириш юзасидан бошланган социалистик мусобақанинг октябр ойининг иккинчи беш кунлигидаги аъёнларини кўриб чиқиш, область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўмак қилиш байроғини ЯНГИЙУЛ районига (район партия комитетининг секретари АЛИМОВ, район ижроия комитетининг раиси УСМОНОВ, район кишлук хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи АЗИМОВ, район комсомол комитетининг секретари СОБИРОВ, «Узбекистон» совхозининг раиси КИРИЛЕНКО ўртоқлар) берилди. Район беш кунлик пахта терими ва топширишда 13,27 процент, машина билан

МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

КПССнинг XXIII съезди қаъридаги ҳақиқатни ҳақиқат қилиш Оқолтиннинг бир гайратига-ун гайрат қилиш юборди. Районда хўжалик ишлари муваффақиятли аъёнлар учун қизғин кураш олиб борилди. Чорвадорлар ҳам, сабза-товчилар ҳам, пахтакорлар ҳам зўр ташаббус билан меҳнат қилишди.

Социалистик мусобақа байроғини баланд кўтарган район пахтакорлари она-Батанга 16 минг 650 тонна «оқ олтин» топшириш социалистик мажбуриятларини ошириб адо этдилар.

Хали далада ҳосил кўп. Пахтакорлар «оқ олтиннинг» бир граммини ҳам ноҳуд қилмасдан тезроқ йиғиб-териб олиш учун ҳармаи-толай меҳнат қилишди. Райондаги «Кизил Узбекистон», Ленин номи, «Провода» колхозларида план бажарилган.дан кейин ҳам иш бошлатилган. Икунга йиллик планнинг бир ярим процент миқдоридан пахта терилиб давлатга топширилмоқда.

Районда пахтали машина билан териб олиш юзасидан бериш план 103 процент қилиб бажарилди. Қўнғин механизаторлар мавсум топширигини анча ошириб адо этдилар.

Район партия ташкилоти, маҳаллий Совет органларининг бутун куч ва эътибори ҳосилни тезроқ йиғиштириб олишга қаратилган. Коммунистлар, активлар оммага бошчилиқ қилишни ҳар наҳадидан ҳам қўлайлаштириб, пахтакорларнинг бутун диққат ва эътиборини галдаги вазифаларни муваффақиятли амалга оширишга қаратмоқдалар.

Оржоникидзе район пахтакорлари имониятларини ҳисоблаб қилиб кўшимча равишда давлатга 4 минг тонна «оқ олтин» сотиш мажбуриятини олдлар. Ҳеч шубҳа йўқки, бу янги мажбурият ҳам яқин кунлар ичда алабаста бажарилди. Шундай қилиб бу йил пландаги 15.244 тонна ўрнига 20 минг тонна «оқ олтин» сотилган бўлади. Энимдаги бу юксак мажбуриятни бажариш партиянинг булжақ XXIII съездида илгори район меҳнаткашларининг муносиб сўзаси бўлади.

ПЕШҚАДАМ КОЛХОЗ

КАЛИНИН. «Ленинизм» колхозы районда биринчи бўлиб маррага етиб келди. Ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил олинди, давлатга 3.390 тонна «оқ олтин» сотилди.

Бу йил 700 гектар майдондаги пахта «зангори неча»ларда териб олинди.

Хали ҳосил кўп. Миришкорлар гектардан олинганда ҳосилни 30 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

пахта теришда 13,32 процент ўсншта эришиб, йиллик пахта тайёрлаш планини 84,87 процент бажарган. Машина терими плани 75,79 процент адо этилган.

Байроқ Калинин районидан олиб берилди.

Пахта теришда энг яхши кўрсаткичларга эришадиган механик, ҳайдовчи ва теримчиларини мукофотлаш учун Янгийул районига 300 сўм пул акратини область молия бўлимига топширилди.

Область партия комитети ва область ижроия комитети пахта терими ва давлатга сотишда Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ ва Юқори Чирчиқ районларининг яхши ишлаганларини қайд қилдилар.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўмак қилиш байроғи Бўка районига «Бўка» совхозига (директори ЖИВОДЕРОВ, партия ташкилотининг секретари КИМ, ишчилар комитетининг раиси САФАРОВ, комсомол ташкилотининг секретари ВОИНАЗАРОВ, бош агроном ПОПОВ, бош инженер МИН, бош бухгалтер КИРИЛЕНКО ўртоқлар) топширилди. Совхоз сўнгги беш кунлик пахта терими ва давлатга топширишда 12,37 процент, машина теримида 11,78 процент ўсншта эришиб, йиллик пахта тайёрлаш планини 94,86 процент бажарган. Пахтали машина билан

терими йиллик плани эса 109,09 процент адо этилган.

Байроқ Оққўрғон районидан «Коммунизм» совхозидан олиб берилди.

Оққўрғон районидан «Коммунизм», Бўка районидан 1-Пескент совхозларининг пахта теримини яхши ташкил этганликлари қайд қилинди.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўмак қилиш байроғи Янгийул районидан «ЛЕНИНГРАД» колхозига (раиси ЭРНАЗАРОВ, партия ташкилотининг секретари ДАВЫРОВ, комсомол комитетининг секретари КУЛТОВА, бош агроном УТАДОВ, бош инженер АХМЕДОВ, бош бухгалтер ХУСАНОВ ўртоқлар) берилди. Колхоз беш кунлик пахта терими ва давлатга сотиш бўйича 20,83 процент, машина теримида 27,50 процент ўсншта эришиб, йиллик пахта тайёрлаш планини 78,04 процент бажарган. Машина билан пахта терими йиллик плани эса 95 процент адо этилган.

Байроқ Оққўрғон районидан Свердлов номи колхоздан олиб берилди.

Оққўрғон районидан Димитров номи, «Победа» колхозларининг пахта терими ва давлатга сотиш яхши ташкил қилганликлари таъйинланди.

Журнал ПАХТАСИ

Узбекистон КП область комитети ва область ижроия комитети давлатга пахта топшириш планини мўддатидан илгари бажарган қуйдаги хўжалиқларини область ХУРМАТ ТАХТАСИГА ёзишга ҚАРОР ҚИЛДИЛАР.

Бўка районидан «ОКТАБРЬ 40 ИЛЛИГИ» КОЛХОЗИ (раиси Ю. ТУЛАГАНОВ, партия ташкилотининг секретари К. УМАРОВ, комсомол ташкилотининг секретари М. УСМОНОВ, бош агроном ЦОИ СЕРГЕЙ, бош инженер В. МАМАТОВ, бош бухгалтер Т. ХАЙТОВЕВ ўртоқлар). Бу колхоз пиландан ташқари кўшимча 300 тонна пахта сотиш мажбуриятини олди.

Оржоникидзе районидан «ОКТАБРЬ» КОЛХОЗИ (раиси Х. ЭЛБАСИНОВ, партия ташкилотининг секретари У. ТУЛАГАНОВ, комсомол ташкилотининг секретари Э. ХОЛМАТОВ, бош агроном М. ҚОРАХУЖАЕВ, бош инженер С. АБДУЛЛАЕВ, бош бухгалтер Э. УБАЙДУЛЛАЕВ ўртоқлар). Бу колхоз кўшимча 300 тонна пахта сотиш мажбуриятини олди.

Оққўрғон районидан СВЕРДЛОВ НОМИ КОЛХОЗ (раиси Х. ЮСУПОВ, партия ташкилотининг секретари Р. БОБОМУРОДОВ, комсомол ташкилотининг секретари М. АБДУРАХМОНОВ, бош инженер ПАК ПАВЕЛ, бош бухгалтер Э. СОДИҚОВ ўртоқлар). Бу колхоз кўшимча 350 тонна пахта сотиш мажбуриятини олди.

315 минг тонна ПАХТАСИ

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 11 ОКТАБРГАЧА БУЛГАН МАЪЛУМОТ (Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда	Мавсум бошидан бер	Шу жузгилдан бер кунда машина терими	Мавсум бошидан бер
ОРЖОНИКИДЗЕ	1,37	109,21	2,60	108,30
ОҚҚҮРҒОН	1,67	101,86	1,42	122,69
ЎРТА ЧИРЧИҚ	1,98	101,02	1,46	101,33
ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ	1,99	100,44	2,33	111,13
Бўка	2,01	97,44	1,27	106,59
Калинин	2,43	94,40	1,78	64,82
Янгийул	2,33	84,87	2,59	75,79
Бекобод	2,02	80,04	2,06	83,84
Область бўйича:	1,96	95,13	1,70	101,03

Республикамаз областларида 11 октябргача қуйдаги миқдорда пахта тайёрланди (планга нисбатан процент ҳисобида). Биринчиси йиллик план: иккинчиси — машина терими: Қашқадар — 85,24, 36,36; Сурхондар — 80,35, 81,51; Фарога — 79,64, 73,33; Бухоро — 78,89, 26,35; Самарканд — 77,91, 57,14; Қорағ — 72,67, 45,40; Андижон — 71,80, 57,23; Сирдарё — 66,16, 84,40; Қорақалпоғистон АССР — 64,57, 43,97.

Республика бўйича бир кунда 2,12, мавсумда 76,32, машинада 66,83 процент пахта тайёрланди.

Юқори Чирчиқ районининг пахтакорлари КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини бажара бориб, меҳнатда янги-янги ютуқларни қўлга киритиш учун курашмоқдалар. Пахта тайёрлаш давлат плани 10 октябрда, Ўрта Чирчиқдан 17 кун илгари бажашилди. Давлат тайёрлов пунктларига 17 минг тонна «оқ олтин» етказиб берилди, бу ўтган йилдагидан 5800 тонна кўпдир.


Район колхозлари бу йил давлатга топшириладиган пахтанинг сифатига алоҳида аҳамият берди. Дейлар 90 процентдан ортиқ пахта биринчи сортларга қабул қилинди. 5603 гектар ерининг ҳар гектаридан 30,4 центнердан ҳосил олинди. Бу колхозчилар, меҳнаткорлар, бошланғич партия ташкилотлари ва барча коммунистларнинг катта ташкилотчилиги ва меҳнат кўрсатиш меҳнат қилганлигини меъасидир.

Мўа ҳосил учун кураш ўтган йилнинг эрта кундан бошланди. Пахтакорлар авиаторлар билан ҳамкорликда меҳнат қилиб, шудгорлаш вақтида ерин ўғитга тўлдирдилар. Чигит киши энг яхши агротехника мўддатларида ўқаниди, ғўда парвариши лаврида ҳар бир кишлук меҳнаткашлар гайрат кўрсатдилар. Суя камчил бўлганлиги тўғрисида юз берган кишичиликларни мардонаворлик билан енгиш учун курашдилар.

Теримга август ойининг охирида тушилди. Пахта йиғим-терими вақтида меҳнаткашлар ўртасида социалистик мусобақа кучайтирилди. Илгори рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилди.

«Узбекистон» колхоз 2 октябрда районда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажарди. Бу колхоз аъёлари 2088 тонна пахта топширидилар. Давлатга топширилган пахтанинг 97 проценти биринчи сорта қабул қилинди. Колхозда ҳар гектаридан олинган ҳосил 28,4 центнерга етди.

«Ленински йўл» колхозининг аъёлари ҳам йиғим-теримда яхши натижаларга эришдилар. Бу колхоз 4 октябрда пахта тайёрлаш давлат планини бажарди. Гектаридан 25 центнердан ошнриб ҳосил йиғиб олинди. Улар шу кунларда социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар.



Суратларда: (юқоридан пахтага) Юқори Чирчиқ районидан «Узбекистон» колхозининг кўпмишқилограммчи теримчиси З. Жумакулова, юқори ҳосилли бригада бошлиғи Ким Петр. Ўрта Чирчиқдаги Охунбобоев номи колхозининг мавсумда юз тоннадан ортиқ пахта терган механизатори Акрам Бегалиев ўртоқлар.

«Политотдел» колхозининг пахтакорлари ҳар йилгидек бу йил ҳам янги марраларга интилоб, янги муваффақиятларни қўлга киритдилар. Улар плани муваффақият билан адо этди, давлатга 4514 тонна «оқ олтин» сотдилар. Ҳар гектаридан 31,1 центнердан ҳосил олдлар. Свердлов номи «Провода» колхозларида ҳам йиғим-терим ишлари юқори суръат билан бажарилди.

Бригада ва звенолар ўртасидаги социалистик мусобақа ўзининг аjoyиб натижаларини берди. «Политотдел» колхозини коммунист А. Абдурахмонов бошлиқ бригада ҳозиргача ҳар гектардан 35 центнердан ҳосил йиғиб олди. Эндиги марра 45 центнер!

«Узбекистон» колхозидан ўртоқ А. Абдуқодиров «Провода» колхозидан У. Утепов бригадаларида ҳам ўтган йилгидан қараганда ҳосилдорлик анча ошди.

Механизациялашган звеноларнинг меҳнати, айниқса, баранка бўлди. «Ленински йўл» колхозидан М. Мирзабобоев, М. Мирзабобоев, А. Кан, «Узбекистон» колхозидан А. Ким, А. Цой, Ш. Исмомов, А. Ҳасанов, «Провода» колхозидан Ж. Абдуҷабборов, Ж. Усеикулов, «Политотдел» колхозидан Н. Назаров, К. Каримов ўртоқлар бошлиқ звенолар комплекс механизацияни даладлик билан қилиб, мўл ҳосил етиштирилди ва плани мўддатидан анча илгари бажардилар.

«Зангори неча»лар пахтазорларда муваффақият билан олиб борди. Машина терими плани ортгани билан бажарилди. Бу соҳада, айниқса, Свердлов номи колхоз механизаторларининг хизмати янги айтиб ўтиш керак. Колхозда машина терими плани икки ҳиссасга етказиб бажарилди.

Терим бошланган дастлабки кунлардан колхозларда кўп мишқилограммчилар ҳаракати кучайтирилди. Уларнинг қўнғинлиги кўп вақт ичда мавсум нормаларини бажариб, меҳнатда ўнқ кўрсатдилар. «Провода» колхозидан А. Мирхониев, С. Отамуллоев, «Ленински йўл» колхозидан Т. Жумакулова, Н. Раҳматуллаев, «Узбекистон» колхозидан З. Жумакулова, Р. Ренелова ва бошқа кўпмишқилограммчилар пахтазорларнинг ҳақиқий наҳра моллари сифатида доғ чикардилар.

Районимиз колхозларида кўп йиллардан буюн пахта етиштириш луб етиштириш билан муваффақиятли равишда боғлаб олиб борила келилади. Бу йил ҳам лубкорларнинг меҳнати ҳақиқат бўлди. Ҳозиргача давлатга юз минг тоннага яқин қанот топширилди. «Узбекистон», «Провода» ва «Политотдел» колхозлари бу кимматбаҳо экинни топшириш планини бажариш арасида турибдилар. Яқин кунларда районимиз бўйича луб плани ҳам бажарилди.

Районимиз кишлук хўжалик меҳнаткашлари пилла, уаум планларини муваффақиятли бажардилар. Ямаот чорвачилиги мустақим озуқа базаси вузудга етказилди.

Биз имониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, яна 1000 тонна пахта сотиш мажбуриятини олдим. Бу сўзимизнинг устидан чиқамиз, албатта.

И. ЛАДУШКИН.

Юқори Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари.

Э. ИКРОМОВ.

район ижроия комитетининг раиси.

М. ҚОДИРОВ.

кишлук хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи.

Тошкент областида 1965 йил 11 октябргача пахта тайёрлашнинг бориши ҳақида

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

32. Калинин номи	104,
33. «Ленинбод»	103,
34. «Ленин йўли»	103,
35. «Гулистон»	103,
36. «Октябрь 40 йиллиги»	103,
37. «Победа»	103,
38. Калинин номи	103,
39. «Партия XIX съезди»	102,
40. Х. Турсункулов номи	102,
41. Хамза номи	102,
42. Киров номи	101,
43. «Ленинизм»	101,
44. «Ленинизм»	101,
45. Охунбобоев номи	101,
46. «Москва»	101,
47. «Политотдел»	101,
48. Тельман номи	100,
49. Свердлов номи	100,
50. Жамбул номи	100,
51. Жадов номи	99,
52. Ленин номи	97,
53. Темурязев номи	96,
54. «Кизил Октябрь»	96,
55. «Москва»	96,
56. Куйбишев номи	96,
57. «Северный маяк»	96,
58. «Правда»	95,
59. Калинин номи	95,
60. «Коммунизм»	95,
61. «Ленинизм»	94,
62. Навоий номи	94,
63. «Интернационал»	94,
64. Фрунзе номи	93,
65. «Коммунизм»	93,
66. Свердлов номи	93,
67. Карл Маркс номи	93,
68. Энгельс номи	93,
69. Карл Маркс номи	92,
70. Н. Нёзов номи	91,
71. Димитров номи	91,
72. «Партия XXII съезди»	89,
73. «Коммунизм»	88,
74. «Партия XXI съезди»	88,
75. «Партия XIX съезди»	87,
76. Ленин номи	86,
77. Свердлов номи	86,
78. Ильич номи	86,
79. С. Чахматов номи	85,
80. Ленин номи	85,
81. Навоий номи	83,
82. «Победа»	83,
83. Свердлов номи	83,
84. Киров номи	83,
85. Карл Маркс номи	83,
86. «Гулистон»	79,
87. «УзССР 30 йиллиги»	78,
88. Дзержинский номи	78,
89. «Ленинград»	78,
90. Карл Маркс номи	76,
91. Энгельс номи	76,
92. Мичурин номи	74,
93. Охунбобоев номи	72,
94. «Коммунизм»	71,

